

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

375 Мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулот турлари рўйхатига қўшимчалар киритиш тўғрисида

Истеъмолчиларнинг соғлиғини муҳофаза қилишни кучайтириш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини назорат қилиш даражасини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 7-сон, 63-модда) билан тасдиқланган Мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулот турлари рўйхатига иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.У. Розукулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 21 август,
241-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 21 августдаги 141-сон қарорига
1-ИЛОВА

Мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулот турлари рўйхатига киритилаётган қўшимчалар

1. 30-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 30-1-позиция қўшилсин.

30-1.	Казеин, казеинатлар ва казеиннинг бошқа ҳосилалари; альбумин, альбуминат ва альбуминнинг бошқа ҳосилалари; желатин (елимшак) ва желатиннинг ҳосилалари; пептон ва унинг ҳосилалари; оқсил моддалар ва уларнинг бошқа ҳосилалари; декстрин ва бошқа модификацияланган крахмаллар; ферментлар; фермент препаратлари	3501 10 900 0**; 3502 11 900 0**; 3502 19 900 0**; 3503 00 100**; 3504 00 000 0**; 3505 10 900 0**; 3507**.
-------	---	---

2. Изоҳга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«** фақат озиқ-овқат саноатида, фармацевтика маҳсулотлари ва моллар учун озуқа ишлаб чиқаришда қўлланиладиганлари».